



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Бердиев Сардорбек

Бердиев Сардорбек, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети  
Филология факультети 3-босқич талабаси

## НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФИ

**Аннотация.** Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида хорижда яратилган тадқиқотлар сирасида Е.Э.Бертельснинг «Навоий» монографияси алоҳида ўрин тутди. Мақолада мазкур асарнинг ўзбек тилига таржимаси ва унинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** форс ва туркий тиллар, адабий анъана, қиёсий-типология таҳлил, ўзига хослик.

Навоий даҳосининг маҳсули бўлган асарлар, айти пайтда, халқимиз тафаккур кўлами ҳамда маънавий қудратининг тимсоли сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Навоий ижодининг юзага келиши ва ривожланишида Шарқ халқлари адабиётлари муҳим рол ўйнагани маълум. Бу масалани ўрганишга Е.Э.Бертельс, О.Шарафуддинов, С.Айний, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Ҳ.Арасли, А.Мирзаев, Э.Шодиев, С.Нарзуллаева, С.Эркинов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Навоий ижодига бўлган қизиқиш, асарлари тадқиқи Ғарб илмида Е.Э.Бертельсга қадар ҳам бир қадар таркиб топган эди. Бироқ бу борада у қандай илмий метод асосида иш кўрди. Унинг тадқиқотлари нимаси билан муҳим ва барҳаёт деган саволга, табиийки, олим асарлари билан яқиндан танишиш орқали жавоб топиш мумкин. Шу маънода, олимнинг сўзларига кўра, у Ғарб адабиётшунослиги таҳлил методологиясининг Шарқ мутафаккирлари,



жумладан, даҳо Навоий асарларига нисбатан қўллашнинг ғайритабiiй эканлигидан келиб чиқиб, ўз асари устида иш бошлайди ва анъана ва ўзига хослик масаласида генетик тамойиллар асосида тадқиқ этади, қиёсий-типологияк нуқтаи назардан таҳлил этиш орқали холисона хулосаларга келади.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг бир ўрнида Навоий шундай сўзларни битади: “Ўқуриға давовиндин бу фақир мутолаасиға кўп машғул бўлмагон девон оз эркин” - (“Шоирларнинг девонларидан мен мутолааси билан шуғулланмаган тўплам жуда оз”). Бу характерли мисол шундан далолат берадики, “Хамса” яратишда ҳам, татаббу ва назираларда ҳам унинг мақсади маълум. «Девони Фоний»да бир қитъа мавжуд:

Татаббу кардани Фонй дар ашъор  
На аз даъвию не аз худнамоист.  
Чу арбоби сухан соҳиб дилонанд.  
Муродаш аз дари дилҳо гадоист.

(Фонийнинг шеърларида татаббу қилиши шоирлик даъвоси ва ўзини кўрсатиш учун эмас. Сўз санъаткорлари катта қалб эгаларидир. Унинг (Фонийнинг) мақсади эса ана шу буюк қалблар эшигида тиланчилик қилишдан иборат).

Алишер Навоийнинг мутафаккирона нигоҳи, шубҳасиз, у муносабат билдирган ҳар бир масалага ёндашувида ҳам кузатилишини таъкидлар экан, олим хамсанавислик анъанасига алоқадор масалага эътиборимизни қаратади, айрим ижодкорлар асарлари хусусида сўз юритиб, жумладан, шундай дейди: “Ҳажман кичик бу дostonларнинг умумий хусусияти шундаки, муаллифлар шаклга урғу берганлар. Навоий ўзининг «Садди Искандарий» дostonида айнан шундай асарлар ҳақида гапираётгандек туюлади:

Чиқорғон замон ул нав ойин савод,  
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.

Саводиға ҳар кимки кўз солибон,  
Қаро шoми меҳнат аро қолибон.

Не зулматки йўқ обихайвон анго,  
Қаю тунки йўқ меҳри рахшон анго.

Агар даҳр аро сепса мушки тотор,  
Кўнгил не қилур тийраву кўзни топор.



Навоий таъкидлаганидек, безаклар ҳам мушк каби меъёрида бўлса, зийнатли; ҳаво мушк билан беҳад тўйинган бўлса, киши бундан фақат бўғилади, ҳузур-ҳаловат кўрмайди.

Навоийнинг бу баҳосига кўшилмасликнинг иложи йўқ: бу дostonлар билан танишиш Навоийнинг фикрини тўлиқ тасдиқлайди” (47-48-б.)

“Лисон ут-тайр” устида олиб борган кузатишлари борасида ёзади: “Атторнинг достони киритма ҳикоялар билан тўлиб-тошганини ҳам таъкидлаган эдик. Навоий аслиятдан янада узоқлашган. Асарда келтирилган олтмиш уч ҳикоятдан фақат ўн икkitасигина форсча аслиятга тааллуқли, қолган эллик учтаси Навоийнинг янгиликларидир. Навоий бундай ҳолатларда қўл келадиган манбалар – Қуръон оятлари, ҳадис, агиографик адабиёт, араб насрий асарлардан фойдаланган. Адабий анъана асосида турган ҳикоятлардан ташқари, биз унда Навоий ҳаётининг бой тажрибаси ўлароқ юзага келган лавҳаларни ҳам кўрамиз, улар – кундаликдан парчалардир. Унинг маъмурий фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни эслатади. Бу ҳикоятлар шоир ижодини Саъдийга яқинлаштиради” (295-б.)

Дарҳақиқат, Шайх Саъдий ижоди форсийзабон адабиётда алоҳида ўрин туттади. У ўзининг чуқур мазмуни, юксак бадиийлиги ҳамда билан Алишер Навоийни мафтун этди. Адолат ва маърифат, эзгулик ва саховат каби фазилатларни бевосита ҳаётий мисоллар асосида беқиёс даражада улуғлаш ва аксинча, ноҳақлик ва таъмагирлик, жаҳолат ва нобакорлик сингари иллатларни аёвсиз фош этиш ҳар икки шоир ижодида кенг ўрин туттади. Бу улар ижодининг етакчи хусусияти сифатида ҳамоҳанг.

Е.Э.Бертельснинг бу тадқиқотида форс ва туркий тилларда ижод қилган Рудакий, Абу Шукур Балхий, Шоҳид Балхий, Дақикий, Фирдавсий, Унсурий, Фаррухий, Моничеҳра, Ҳоқоний, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавий, Фаридуддин Аттор, Санойи, Жалолиддин Румий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Фузулий, Мушфиқий каби йигирмадан ортиқ муаллифнинг ғазал, қасида, тўртлик, маснавий ва қитъаларига мурожаат этилиши (332-б.), олимлар, тазкиранавислар рўйхатининг ўзиёқ бир рисолага тенг қамровга эга. Шубҳасиз, уларнинг ҳар бири мутафаккир фаолияти билан қайсидир жиҳатдан бевосита алоқада.

Асар таржимаси бугунги кун учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Навоийшуносликнинг Ғарб оламидаги талқинлари ва ўзимиздаги таҳлилларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш асносида жаҳон навоийшунослигининг ёрқин манзарасини тасаввур этиш, янги тадқиқотларнинг юзага келишига доир масалаларни янада такомиллаштириш учун хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бертельс Е.Э. Навоий. Монография (таржимон проф. Мирзаев И.К.). – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2015. – 356 б.